

**НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

Нурмухаммедов Муслимбек Учқун ўғли

Адлия вазирлиги масъул ходими Почта:

m.nurmuhammedov27@gmail.com, Тел: +998945356566

Аннотация

мазкур мақолада ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг хорижий давлатлар тажрибаси хусусида сўз боради.

Аҳоли борки давлатлар бор, давлат эса ана шу аҳоли учун уларнинг кундалик ҳаётини осонлаштириш учун ҳаракат қилади. Лекин ана шу давлатлар аҳоли ичида уларга ёрдам кўрсатилиши керак бўлган ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз Конституциясида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга доир энг асосий мақсад ва вазифалар ўз аксини топган десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ногиронлигидан қатъи назар, барча одамларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирокини рағбатлантириш кўзда тутилгани, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янги босқичга чиқарди.

Бутунжаҳон ногиронлик ҳисоботида кўра, ногиронликнинг қайсидир шаклига эга бўлган инсонлар сони 1 миллиарддан зиёдроқ ёки дунё аҳолисининг 15 фоизини ташкил этади, уларнинг 80 фоизи эса ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади¹.

Буюк Британиянинг Сассекс университети Ривожланиш масалаларини тадқиқ қилиш институти докторанти, «Буюк келажак» эксперт кенгаши аъзоси Дилмурод Юсуповнинг таъкидлашича² амалиётда ногиронликни ҳисобга олишнинг декларатив тамойили мавжуд. Бу шуни англатадики, агар шахс ногиронлик аломатлари билан туғилган бўлса (bron бир ташқи нуқсонни кўринарли ҳолатда), уни ҳақиқатдан ҳам ногиронлигини тасдиқлаш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари аъзоларига (ТМЭК) бюрократик ҳужжатлар тўплаш керак. Айтингчи ? Кўз билан кўриб, шахснинг ногиронлиги мавжудлиги кўринарли ҳолатда шунча бюрократик ҳужжатлар зарурми?

¹ Всемирный доклад об инвалидности, Всемирная организация здравоохранения, 2011 г.

² <http://advokatnews.uz/xabar/1031.html>

Чекловлар даражасига кўра, ТМЭК вақтинча ёки доимий тарзда ногиронлиги бўлган шахсни учта (I, II ва III) ногиронлик гуруҳларидан бирига рўйхатга олади. ТМЭКнинг маъмурий рўйхатлари Ўзбекистонда ногиронликнинг тарқалиши бўйича статистика манбаи ҳисобланади. Аммо аҳолини рўйхатга олиш жараёнида мамлакат миқёсидаги тадқиқотлар орқали ногиронлар ҳақида маълумот тўпланмайди.

Мисол учун, Буюк Британияда, жамоат транспортдан фойдаланишда имтиёзга эга бўлиш учун ёки турли хил ногиронлик нафақаларини олиш учун сиз терапевт қабулида ногирон эканлигининг рўйхатдан ўтказишининг мумкин. Ногиронлик статистикаси эса ўз навбатида ногиронлик масалалари бўйича давлат идораси (Office for Disability Issues) томонидан олиб борилади. Ушбу идора ногиронлик бўйича нафақа тўловини оловчилар сони тўғрисидаги маъмурий маълумотларга эмас, асосан ижтимоий сўровлар ва аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига таянади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қонунчиликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитлар яратиш бўйича нормалар мавжуд бўлгани билан бу нормаларни бузганлик учун кескин жавобгарлик белгиланмаса нормаларда ўрнатилган тизим ишламайди. Мисол учун, АҚШда ногиронлиги бўлган шахсни ногиронлиги сабаб ишга қабул қилишда рад этилса – рад этган ташкилот ўзига нисбатан катта миқдорда зарар етказган бўлади, чунки аҳолини ижтимоий заиф қатламларини ишга қабул қилишда камситилиши учун кескин жавобгарликлар амалиётда қўлланиб келинмоқда.

Германия тажрибасига назар ташласак, бутун мамлакат бўйлаб ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус тўхташ жойлари (Parking zone) – “Behindertenparkplatz” лар ташкил этилган бўлиб, бу ҳудуддан фақат маълум даражадаги ногиронлиги бўлган шахслар (ҳаммаси ҳам эмас) фойдаланиши мумкин. Мабодо махсус рухсатсиз шахслар ушбу тўхташ жойларидан фойдаланишса жаримага тортилишади.

Финландияда 1988 йилда қабул қилинган “Ривожланишида нуқсонларга эга инсонларга хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунга биноан, ушбу инсонлар гуруҳининг яшаш шароитларини яхшилаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш каби чора-тадбирлар белгиланган. Финландияда ташкил қилинган ва қонунчилик билан мустаҳкамланган уруш ногиронларини даволаш ва реабилитация қилиш тизими халқаро миқёсда қадрланади.

Финландияда «Абилис» жамғармаси мавжуд бўлиб, нафақат Финландияда балки бошқа мамлакатлардаги ногиронлар ва уларнинг ташкилотларига кўмаклашади³. Ушбу жамғарма хусусий маблағлар ҳисобидан ташкил қилинган бўлиб, унинг бошқарувида асосан ногиронлар ташкилотларининг фаоллари бўлган ногиронларнинг ўзлари киради.

³ Финландиянинг 100 та ижтимоий инновацияси./ Финландия қандай қилиб Финландия бўлди: сиёсий, ижтимоий ва маиший инновациялар. – Т.: “Sharq”, 2019. – 237 бет

Ривожланаётган мамлакатдаги ногиронлар ташкилоти жамғарма билан алоқага чиқади, молиялаштиришни олиш учун сўровнома олади, уни тўлдиради ва «Абилис» жамғармасига юборади. Тақдим қилинган маълумотлар текширилгандан кейин, аввалига лойиҳага маблағнинг 50 фоизи ажратилади, биринчи оралиқ ҳисоботидан кейин яна 40 фоизи, қолган 10 фоизи эса якуний ҳисобот берилганидан сўнг тўлаб берилади.

Ушбу жамғарма Финландия ҳукумати томонидан қўллаб қувватланиб келинади. Таҳлилларга кўра, 2016 йилдаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш 2,75 миллион еврони ташкил қилди ва бир йил олдин унинг миқдори 2,9 миллион еврони ташкил қилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ногиронларни қўллаб қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун қуйидагилар таклиф этилади.

Биринчидан, ногиронлик нуқсони билан туғилган шахс ёки ҳаёти давомида ногирон бўлиб қолган шахс ҳақиқатдан ҳам ногиронлигини тасдиқлаш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига (ТМЭК) ҳужжатлар тўпламасдан, яшаш жойидаги тиббиёт муассасаси хулосаси асосида шахснинг ногиронлигини тасдиқлаш амалиётини жорий қилиш.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус тўхташ жойларини (Parking zone) яратиш таклиф этилади. Агарда мамлакатимиздаги амалдаги ҳолатга эътибор берадиган бўлсак ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўча бўйлаб ҳаракатланиши анча мураккаб бўлиб, зарур инфратузилма яхши шаклланмаган. Юқорида қайд этганимиз махсус тўхташ жойларини яратиш ушбу муаммога маълум бир даражада эчим бўлиши мумкин.

Учинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятга қўшилиб кетиши учун психологик хизматларнинг самарали ишлашини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Всемирный доклад об инвалидности, Всемирная организация здравоохранения, 2011 г.
2. Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси./ Финляндия қандай қилиб Финляндия бўлди: сиёсий, ижтимоий ва маиший инновациялар. – Т.: “Sharq”, 2019.
3. Rehabilitation and Integration of persons with Disabilities. Bundesministerium fur Arbeit und Soziales.
4. Skills for employment for disabled people. A reflective report Disability Rights UK. April 2014.

Фойдаланилган сайтлар

1. <https://www.un.org/development/desa/disabilities/convention-on-the-rights-of-persons-with-disabilities.html>
2. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/15/section/6>
3. [https://www.gov.uk/financial-help-disabled#:~:text=There%20is%20a%20wide%20range,or%20Disability%20Living%20Allowance%20\(%20DLA%20\).](https://www.gov.uk/financial-help-disabled#:~:text=There%20is%20a%20wide%20range,or%20Disability%20Living%20Allowance%20(%20DLA%20).)